

ҳориқдаги мактабларининг спорт
коррида билан таъминлаш
уаун ёш спортчиларнинг махор
ратлари кундан-кунга ортиб
бормоқда. "Умид ниҳоллари"
мусобақаларининг республика
босқичида қатнашаётган ўқув
чилар орасида фақат шаҳарлик
ёшлар эмас, балки олис қиш
лоқ мактабларининг ўқувчилари
ҳам совинлар олаётганлиги
бу ерларда спорт ишлари
яъни йўлга қўйлаётганидан
далолатдир.

Айниқса, "Таълим тўғриси
да"ги Қонунни ҳаётга татбиқ
этишда ота-оналар фаоллигининг
ошганлиги муҳим аҳамиятга
эга. Эндилиқда ўз фарзандининг
қизиқиши, қобилиятини ҳисобга
олиб, унга ҳар тарафлама қўмақла
шишга тайёр ота-оналар таълим
муассасалари билан ҳамкорлик
қилмоқдалар. Улар фарзандлари
яъни мутахассис бўлиши учун
фақат дипломининг ўзи қифора
қилмаслигини тушунаяптилар.

Мамлакатимизда таълим ижтимоий
соҳанинг энг устувор йўналиши
қилиб белгиланган экан, келажақда
ёшларимизга озод ва обод Ватан
қолдириш мақсадида олиб борилаётган
ишлар барча таълим фидойиларидан
ўз билими, малакалари билан
ишчириб бориш ҳамда синдиқилдан меҳнат қилиши талаб
этади.

Хусниддин Нуриддин

ЎЗБЕКИСТОН
Республикасидаги
расмий дилери орқали

МТЗ "Беларус"
ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА
ва улар учун эҳтиёт
қисмларини
таклиф этади.

АКAMMAZ ARSENAL

Манзилимиз: Тошкент ш.,
Бротислава кўчаси, 11.
Тел: 361-40-33, 361-40-90,

Оромгоҳда

иждо

мавсуми

Тоғ ёнбагирларидаги сўлим ва баҳаво дам олиш масканларида инсон кўнгли ўзгача завқ олади. Ёз фаслининг тағна ором бағишловчи об-ҳавосини, табиатнинг хушманзара, жозибадор кўриниши, дов-дарахтларнинг сокин шивирларини, майин шабада орқали димоққа урилайтган хуш оловини бугун оромгоҳларда дам олиётган ҳар бир бола ҳис этиши, шубҳасиз.

Бадий Ижодкорлар Уюшмаси аъзолари, халқ рассомлари, санъат арбоблари, таниқли мусаввирларнинг Тошкент вилоятидаги "Алгоритм", "Лочин", "Меҳрибонлик", "Конструктор" каби болалар дам олиш оромгоҳларида бўлиши ва қизиқарли танловлар, ижодий учрашувлар, турли кечалар ўтказилиши оромгоҳларда дам олиётган болаларда олам-олам таассуротлар қолдирмоқда.

Келажагимиз ворислари бўлган ёш авлодни маънан баркамол, жисмонан бакуват, тафаккури теран қилиб воёга етказиш мақсадида ёзги дам олиш оромгоҳларида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада болалар рассомлари танловининг ўтказилиши ижодга эндиликка қадам қўётган, рангларнинг мафтунок жилосини хис этаётган, ўзинча янги ранглар кашф этаётган ёш мусаввирлар учун ҳақиқий шодона айланма кетди. Бўстонлик туманидаги "Меҳрибонлик" дам олиш оромгоҳида

ўтказилган ана шу тадбирда иштирок этган Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев, Ўзбекистон санъат арбоби Ортиқали Қозоқов ёш мусаввирларга эсдалик совғаларини топшириши, қалбида ижодга муҳаббат уйғонган санъатсевар болаларни руҳлантириб юборгани рост.

Ёз ўтмоқда соз!

Рассомлар – Марат Содиков, Алишер Аликулов, Анвар Солижонов, Дамир Уразов ва Радик Азизов ҳам "Лочин", "Алгоритм", "Конструктор" каби дам олиш масканларида бўлишди. Оромгоҳларда ижодий учрашувлар, танловлар ўтказилди. Турли дунёқарашга эга бўлган болаларнинг бир жойда дам олиши, ўзаро дўстлашиб қувнаб-яйраши, уларнинг ушбу унутилмас дамларидан хотира бўлиб қолиши шубҳасиз.



Ёзнинг ажойиб кунларида тоғ ёнбагирларидаги ана шундай ўнлаб сўлим оромгоҳларда адабиёт ва санъат намоёндаларининг ижодий учрашувлари, албатта, жажжи кўнгилда чексиз ором

зулар уйғотиши табиий.

Бундай хайрли ишлар Бадий Ижодкорлар Уюшмасининг вилоятлардаги бўлимларида ҳам давом эттириляётганлиги тадбирнинг қамрови нҳотда кенгайиб бораётганини кўрсатади. Андижон вилоятидаги "Шифокор" оромгоҳида Ўзбекистон халқ рассоми Обиджон Бакиров, Жиззах вилоятидаги



Республикаси "Жас аўлад" оромгоҳида Ўзбекистон халқ рассоми Жолдасбек Изентаев каби ўнлаб ижодкорларнинг ташириб дам олиётган болалар билан биргаликда оромгоҳлар раҳбарларини ҳам тўлқинлантириб юборди.

Жумладан, айна пайтда Тошкент вилоятидаги Салима Шаронова бошчилик қилаётган оромгоҳда 350 та, Йўлчибой Раҳимжонов бошчилик қилаётган "Алгоритм" оромгоҳида 780 нафар бола ёзги таътиллари мароқли ўтказишмоқда.

Мурғак қалблардаги жўш урган илҳом, ижодга муҳаббат таниқли санъат арбоблари ва мусаввирлар кўнглида ёш, навиқрон юраклардаги каби шижоатни уйғотди. Уларнинг кўпчилиги эса ўз тақлифлари билан ана шундай учрашувларда иштирок этиш ниятини билдиришмоқда.

Феруза ХУШМАТОВА,
Наргиза ТОЛИПОВА,
санъатшунос.

Ҳозирда илм-фан тараққиёти шу нарсани қайд этганки, баъзи дарахтлар кишига қувват бериш хислатига эга бўлса, айримлари эса қувватни "Сўриб олувчи" – "вампирлар" сифатида намоён бўлади.

Азгандан шу нарса маълумки, дарахт-вампирлар беомор организмдаги орқича энергияни сўриб олади. Бир вақтлар қандоғоч пайраҳаларини лат ёган жойларга қўйишган. Четан дарахти эса одамдаги орқича энергияни тортиб олиб, тушқунликка тушган одамга малҳамлик қилган. Арча бўлса тинка-мадори қуриган, хорғинликда бўлган одамга малҳамлик қилади, тинчлантириш хусусиятига ҳам эга.

Табиблар келтиришича, аргувон, жўжа дарахти дармон бағишловчи энгил қувват беради, қайин эса аёлларнинг кўпгина дардларини олади.

томондан ёндашиш лозим. Одатда, аввалига манглай охиста тегизилади, сўнгра қафлар билан бош баландлигида қучоқланади, кейин тана

ДАРАХТ
АРДИНГИЗНИ
ОЛАДИ

Кайрағоч одам аъзоларида кечувчи модда алмашинуви жараёнига уйғунлик берса, эман-балут каби азамат дарахтлар эса одамнинг юрак фаолиятини яхшилади.

Хўш, шундай экан, дарахтларнинг шифобахш хусусиятларидан қандай фойдаланиш керак, деган савол тугилади. Дарахтлар ҳам вақти-вақти билан қувватга тўлиб туради. Агар дарахтнинг қуввати кучли бўлса, унга яқинлашган одам икки қулоч наридан сеза бошлайди: унинг қафларига нимадир юмшоқ ботаятгандек бўлади. Бундай ҳол, айниқса, қуёш чикмасидан олдин, субҳидамда содир бўлади.

Донор-дарахтга эса жануб

билан дарахт устунини қамраб олишга ҳаракат қилинади. Агар одам шимол тарафдан дарахтга яқинлашса, унда киши организмда орқича энергиядан холи бўлади. Бунда асаб чарчқлари, изтиробли ҳаяжон йўқолади. Мазкур "марҳамат"дан фойдаланиш учун дарахт устунига кифт туширилган ҳолда дарахтнинг қучоқлашга ҳаракат қилинади.

Манбаларда ёритилишича, одам билан дарахт орасидаги муносабат биолокация майдони воситасида аниқланган. Бир қатор ўсимликлар ахборот-энергияни мусбат заряд орқали беради. Масалан, қайин, эман мусбат заряд би-



Кайд қилинишича, қувват берувчи донор дарахтлар бўлиши қайин, эман, аргувон, шумтол қабилар дармонбахшлиги билан ажралиб

ган. Халқ табobati амалиётида изтиробли бош огриғини қандоғочли қошиқ

СПОРТ

Иккинчи ўйинда
йирик ғалаба

Энди жамоамиз чорак финалга чиқиш учун
Хитой жамоасини енгиши лозим

Осиёнинг жануби-шарқий минтақасида ўтаётган қитъа кубоги баҳсларининг 2-тур учрашувлари ниҳоясига етди. Кутилмаган натижалари билан ҳаммани лол қолдираётган мазкур биринчилик бу гал ҳам шов-шувга сабаб бўлди.

Ўзбекистонлик футбол мухлислари диққатини ўзига тортган "С" гуруҳида юртимиз футболчилари мусобақа мезбони Малайзияга қарши тўп сурди. Биринчи учрашуда тайёр ғалабани кўкка со-
вурган футболчиларимиз мураббий Рауф Инилеевдан етарлича курсатмалар олгани яққол сезилди. Ўзбекистоннинг илк йирик ҳисоби ғалабаси, терма жамоа бажарган илк пенальти, Шахкининг сардор сифатида терма жамоани майдонга олиб чиқиши, унинг дубли ва мусобақа тўпурлари сафига кириши, Темур Қападзе-

нинг ажойиб голи... Энг асосийси, Ўзбекистон – Малайзия учрашувида 5:0 ҳисоби қайд этилди.

Учрашув ҳақида умумий қилиб айтиш мумкин бўлгани,

"ОСИЁ КУБОГИ – 2007"

баъзи вазиятларда Малайзия терма жамоаси устунликка эришганга ўхшаб кўринган бўлса ҳам, аслида бутун ўйин давомида вакилларимиз ўйинни назорат қилиб туришди. Аммо баъзи ҳолатларда юрт-

дошларимиз шовша-шовшарликка йўл қўйган бўлсалар, баъзан уларга аниқлик етишмади. Голларни вакилларимиздан Максим Шаох (2 та), Темур Қападзе, Улуғбек Бақоев (пенальти) ва Азиз Ибрагимов киритдилар.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида уч очкодан жамгарган Эрон ва Хитой бир-бирларига рўбарў келишди. Кўпчилик учун кутилмаганда Хитой терма жамоаси илк дақиқа-


ларданок ҳужумга ташланди ва рақиб дарвозасига икки гол йўллашга муваффақ бўлди. Бирок, Эрон терма жамоаси иккинчи бўлимда устунликни қўлга олиб, Фаридун Занди ва Жа-
вод Некунам томонидан урилган голлар ҳисобида дуранг натижани қайд этди. Ҳисоб – 2:2.

3-тур ўйинлари 18 июль кунини ўтказилади ва юртдошларимиз Хитойга қарши майдонга чиқади. 2 та ўйиндан сўнг 4 очко жамгарган хитойликларга кейинги босқичга чиқиш учун дуранг натижа ҳам етади. Рауф Инилеев ва Мир-
жалол Қосимов бошқарувдаги жамоамизни фақат ғалаба қаноатлантиради. Акс ҳолда, улар ортларига эрта қайтишга мажбур бўладилар. Юртдошларимизга "ҳаёт-мамот" учрашувида омад тилаб қоламиз.

Кеча "А" ва "В" гуруҳларида 3-тур ўйинлари якунланди. Унга қўра, ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринни қўлга қиритган Ироқ, Австралия, Япония ва Вьетнам жамоалари чорак финалда тўп сурш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Петрова ва Мейлен Ту куч синашдилар. Бу ўйинда россиялик спортчи рақибасини оson-
лиқча таслим қилди – 6:1, 6:2. Умумий ҳисоб 2:2 кўриниш олди ва халқ қилувчи учрашув футфлкл баҳси бўлди. На-
дежда Елена Веснина билан Лайза Раймонд ва Винус Уильямс ким қучли эканлигини исботлаш учун беллашдилар. Омад рус спортчиларига қулиб боқиб, улар 7:5 ва 7:6 ҳисобларида ғалаба қозондилар.

Сунатилла ИСЛОМОВ



ТЕННИС

Финалда европаликлар

Теннис бўйича Россия аёллар терма жамоаси Федерация Кубоги мусобақасининг ярим финалида АҚШ аёллар терма жамоасини мағлуб этди.

Ярим финалнинг дастлабки кунинда иккала терма жамоа 1:1 натижани юзага келтиришганди. Кейинги икки учрашувда худди шу ҳолат яна такрорланди. Аввалги "Уимблдон – 2007" голиби Винус Уильямс Анна Чак-ветадзени ютиб, жамоасини олдинга олиб чиқди – 2:1. Шундан сўнг қортда Надежда

Говада замонавий спорт коллежи

Гова – Чуст туманининг чекка қишлоқларидан бири. Чотқол-Қурама тоғ ёнбагирларида жойлашган сўлим қишлоқ йилдан-йилга кенгайиб, обод бўлиб бормоқда.

Бу ерда умумий қиймати 1 миллиард 926 миллион 474 миң сўмлик бўлган уч қаватли замонавий кўркем бино қад кўтариши қишлоқ фой-
зига яна фойз қўшди.

– Қурилиш-монтаж ишлари қисқа муддатда сифатли амалга оширилди, – дейди "Чуст ХМКК-6" масъулияти чекланган жамиятининг бош муҳандиси Маъруфжон Назаров. – Шу ўринда илгўр-ғиш тўрғулардан Нозимжон Фаттоҳов, Ғанижон Далабев, Абдувоҳид Кенжаев ва бошқаларнинг фидокорона меҳнатларини таъкидлаш жоиз.


– Гова қишлоғида спорт йўналишидаги

коллежнинг ишга туширилиши, – изоҳлайди коллеж директори Юнусали Абдувалиев, – чинакамга бизларга байрам тўхфаси бўлди. Коллежда спортнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланишга етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Спорт зали, футбол стадиони, теннис корти, баскетбол, волейбол, қўл тўпи майдончалари мавжуд. Талабалар замонавий жиҳозланган синф хоналарида ўз билимларини мустақамлайдилар. Узок жойдан катнаб ўқийдиган талабалар учун эса 50 ўринли ётоқхонанинг борлиги айни мuddасидир.

Шу кунларда қурилиш объектида сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.


Наманган вилояти

Зеҳнингизни синаб кўринг



Ушбу каттакларга 1 дан 49 гача бўлган сонларни шундай тўлдирингки, натижада энгига ҳам, бўйига ҳам, диагональга ҳам ҳисобланганда умумий йиғинди 175 чиқсин.

Бўш каттакларга 1 дан 25 гача бўлган сонларни шундай жойлаштирингки, энгига ҳам, бўйига ҳам, диагональга ҳам ҳисобланганда умумий сонлар йиғиндиси 65 чиқсин.



Тузувчи: Элёр БЕКБОЛАЕВ

Автотранспорт – кредит ва лизингга!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ
ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ –
AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт – 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўринли, 0,8 тонна юк кўтаралган фургонлар, 6-15 ўринли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш истаган усудда!

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

6 ўринли, 1,5 тонна юк кўтарувчи, "ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси

"ГАЗ-31105"

"ГАЗ-3202" русумли тенгли юк машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр ситимли сўт ташиш машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўринли микроавтобус

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманидаги Чўлпон номида 35-ўрта мактаб томонидан 2005 йилда Эшанкулов Акмал Юсуфович номига берилган О'Р-Ш 0149815 рақамли 11-синфни тугатганлиги ҳақидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-мактаб томонидан 2006 йилда Юлдашева Рухсара Атабековна номига берилган О'Р-Ш 0264846 рақамли 11-синфни тугатганлиги ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги "QURILISH MOLLARI BOZORI" (OKPO бўйича код 18103775) mas'uliyati cheklangan jamiyati "Qurilish mollari savdo majmuasi" Mas'uliyati Cheklangan Jamiyatiga aylantirildi.

ООО "VITA AROMA SERVIS" (код по ОКПО 22018395) уменьшает Уставной фонд с 2 610 000 сум до 777 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 51-17-20.

Брокерский дом "DALAL STANDARD" выставлен на биржевые торги здания и сооружения принадлежат ОАО "Qurilishmaterialsaotbutlash".

Адрес объекта: Ташкентская обл. Кибрайский район, Салар ШФЙ, п.Ялангач.

Бош муҳаррир
Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Саид АХМАД, Уктам БАРНОЕВ, Агатай АДИЛОВ, Уткир РАХМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОНОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-56-25, Котибиат - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Коракалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган – 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-64; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар

матни учун буюртмачи жавобгар
① -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - ракам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-иллова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-617, ҳдхми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қозғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.30 Адади - 13752

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

23456